ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИГ
БУЙРУГИ

ШНҚ 2.08.07-22 «НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 29 августда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 106]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 апрелдаги ПҚ-209-сон «Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2009 йил 25 мартдаги 37-сон «ШНҚ 2.08.07-09 «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 август,
148-сон
Келишилди:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. ЮСУПАЛИЕВ

2022 йил 22 август

Олий ва ўрта махсус таълим вазири А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 23 август

Халқ таълим вазири Б. САИДОВ

2022 йил 23 август

Мактабгача таълим вазири А. ШИН

2022 йил 19 август

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 24 августдаги 148-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар), шунингдек кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти (бундан буён матнда ихтисослаштирилган таълим муассасалари деб юритилади) биноларини лойиҳалаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари ушбу ШНҚ билан бир вақтда ҚМҚ 2.01.01, ҚМҚ 2.01.03, ҚМҚ 2.01.04, ШНҚ 2.07.02 ҳамда ШНҚ 2.08.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириш топшириғига асосан лойиҳаланиши лозим.

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари қуйидагича ихтисосликлар бўйича лойиҳалаштирилади:

эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган, соқов ва кар-соқов болалар учун;

кўришда нуқсони бўлган болалар учун;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, сколиоз, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, бўй ўсишининг етишмовчилиги — паканалик) учун;

интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун.

3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари икки қаватдан юқори бўлмаслиги, кўришда нуқсони бўлган ва ҳаракат функциялари бузилган болалар учун мўлжалланган хоналарнинг 60 — 80% биринчи қаватда жойлаштирилиши керак.

Бунда, иккинчи қаватларда ўқитувчилар ва маъмурият учун хоналар кўзда тутилиши мумкин.

4. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари уларнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга мос келиши, шунингдек барча турдаги муҳандислик таъминотига (электр энергияси, газ, иссиқлик, сув ва алоқа таъминоти, канализация, автоматик сигнализация) эга бўлиши, ёнғин хавфсизлиги талабларига, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

2-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар.

5. Ушбу ШНҚда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ҚМҚ 2.01.01-94 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ҚМҚ 2.01.03-2019 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.01.04-2018 «Қурилиш иссиқлик техникаси»;

ҚМҚ 2.01.05-2019 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ҚМҚ 2.01.08-2019 «Шовқиндан ҳимоялаш»;

ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш»;

ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-07 «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш».

ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бино ва иншоотлари»;

СанҚваН № 0313-14 «Жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш, жиҳозлаш, сақлаш ва таълим бериш режимлари бўйича санитария қоидалари»;

СанҚваН № 0266-09 «Ногиронлар ва аҳолининг болалар ва катта ёшдаги камҳаракат гуруҳлари фойдаланадиган турар жой ва жамоат биноларини, яшашга мўлжалланган бошқа жойларни лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН № 0020-22 «Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари».

3-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларига қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий талаблар

6. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари аҳоли яшаш пунктларида, саноат ва коммунал корхоналари, темир йўллар, серқатнов автомобиль йўлларидан, шунингдек ифлосланиш, радиомагнит ва нурланиш манбаларидан узоқликда, чанг-шамол ва шовқин таъсиридан ҳимояланган, санитария нормалари ва қоидалари ҳамда ШНҚ 2.07.01 талабларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида ер участкаларида (бошқа турдаги таълим ва тарбия ташкилотларидан ажратилган ҳолда) жойлаштирилади.

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини кўчаларнинг қизил чизиғига нисбатан жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.01 га мувофиқ амалга оширилади.

Болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари яқинидаги шовқин даражаси 60 dB дан ошмаслиги лозим.

Жамоат транспорти ва автомобиль тўхташ жойларига етиб бориш масофасини 200 m атрофида таъминлаш тавсия этилади.

8. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ер участкаларининг майдонлари ҳар битта бола учун қуйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун 45 — 50 m^2;

кўришда нуқсони бўлган, шунингдек, ақли заиф болалар учун — 60 m^2;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун — 65 m^2.

9. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ер участкаларининг майдонлари қуйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

сиғими 200 ўрингача бўлганда, ҳар битта бола учун — 110 — 120 m^2;

сиғими 200 ўриндан кўп бўлганда, ҳар битта бола учун — 75 — 90 m^2.

10. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.01, ШНҚ 2.07.02, СанҚваН №0266-09 талаблари ҳисобга олиниши лозим.

11. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари, шунингдек биноларнинг асосий хоналари деразаларининг йўналиши (уфқ томонлари бўйича) 1-жадвалга мувофиқ кўзда тутилиши лозим. Яшаш хоналари учун мақбул йўналиш жанубий йўналиш ҳисобланади.

1-жадвал

Хоналар	Деразалар йўналиши	
	мақбул	йўл қўйилади
Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳ хоналари, машғулотлар учун синфлар, логопедия хонаси, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) ухлаш хоналари	жануб, жануб-шарқ, шарқ	
Биология лабораторияси	жануб, жануб-шарқ, шарқ	жануб-ғарб

Шифокор хоналари (окулист, педиатор, психиатор), плеопто-ортоптик хона	шимол	шарқ, шимол-шарқ, шимол-ғарб
Расм чизиш, ҳайкалтарошлик билан шуғулланиш учун хоналар	шимол	
Овқатланиш блоки хоналари	шимол	
Тиббий муолажа хоналари, физиотерапия хоналари	шимол, шимол-шарқ	шарқ, шимол-ғарб

Изоҳ: Жадвалда кўрсатилмаИзоҳ: Жадвалда кўрсатилмаган хоналарнинг деразалари йўналишларига нисбатан талаблар белгиланмайди.ган хоналарнинг деразалари йўналишларига нисбатан талаблар белгиланмайди.

2-§. Ҳудудларни зоналаштириш

12. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудлари ундаги корпуслар (блоклар) ва ўқув-рекреацион иншоотлар ўртасидаги қулай алоқаларни ҳисобга олган ҳолда зоналаштирилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудларида жисмоний тарбия-спорт, ўқув-амалиёт, рекреация (дам олиш) ва хўжалик зоналари кўзда тутилади.

Зоналар ва бинолар орасидаги ҳаракатланиш қулайлигига эришиш мақсадида қуйидаги ўзаро алоқалар таъминланиши лозим:

дам олиш, жисмоний тарбия, спорт ва реабилитация зоналарини — спорт заллари ва тиббий хоналар билан;

ўқув-амалиёт зонасини — катта синфлар ўқув хоналари блоки билан;

рекреация ва дам олиш зоналарини — турар жой хоналари блоклари (тегишли ёшдаги гуруҳлар) билан.

13. Дам олиш зонаси ўқувчиларнинг турли ёшдаги гуруҳлари учун рекреацион ва ўйин майдончаларини ўз ичига олади, бунда турар жой ва ўқув блокларидан чиқишлар ўзаро қулай боғланиши керак.

Рекреацион майдончалар кенглиги 4 — 6 m бўлган, «сайр қилиш йўлагини» ҳосил қилувчи, шаффоф материаллар билан қопланган соябонлар ёрдамида ҳимояланиши лозим.

14. Ўқув-амалиёт зонасида очиқ ҳаводаги ўқув-машғулот майдончаларини (гидрометеомайдонча, иссиқхона, зоопавильон, боғдорчилик ва полиз-реза ўсимликлари учун участкалар) хўжалик зонасидан камида 25 m масофада жойлаштириш тавсия этилади.

15. Хўжалик зонасига талаблар, хўжалик иморатлари ва техник объектлар таркиби (гараж, савзавот сақлаш омборхонаси, ҳожатхона ва бошқа объектлар) лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

Ахлат контейнерлари учун майдонча атроф муҳитга салбий таъсирини истисно қилишини ҳамда чиқиндини чиқариш учун машина киришини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим. Ушбу майдончалардан бино деразалари ва кириш жойларигача, жисмоний тарбия ва рекреацион майдончаларигача камида 25 m бўлиши лозим.

3-§. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

16. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларида ҳавонинг зарур намлиги таъминланиши, дам олиш жойлари ташкил этилиши, жисмоний тарбия майдончалари, чиқинди тўплаш ва хўжалик майдончалари кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларида қуйидаги ободонлаштириш элементларини кўзда тутилади:

гуруҳ (сайр қилиш) ва ўйин майдончалари;

спорт (жисмоний тарбия) ва гимнастика майдончалари;

соғломлаштириш ва бассейн майдончалари;

хўжалик майдончаси.

17. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудлари ободонлаштирилиши, кўкаламзорлаштирилиши ва суғориш тизимига эга бўлиши, пиёдалар йўлакчалари ва майдончалари қаттиқ қопламага эга бўлиши лозим.

18. Яшил майдонлар ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудининг камида 40%ни ташкил этиши керак. Кўкаламзорлаштиришда заҳарли мевалари бўлган ўсимликларни, шунингдек нохуш ҳидли, аллерген ўсимликларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Кўкаламзорлаштириш ишлари хоналар, рекреация ва дам олиш жойлари, ўйин, спорт (жисмоний тарбия) майдончалари инсоляциясининг санитария талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Дарахтлар, одатда, бинолар деразаларидан 10 m дан яқинроқ бўлмаган масофада экилиши лозим.

Кўришда нуқсони бўлган болаларнинг ҳаракатланишини йўналтириш учун кўкаламзорлаштиришнинг махсус усулларидан ва ўсимликларнинг декоратив сифатларидан фойдаланиш тавсия этилади.

19. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚга 1-иловада назарда тутилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасида белгиланган.

4-§. Йўлаклар ва кириш-чиқиш жойлари

20. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларидаги йўлаклар ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

21. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларига олиб келадиган асосий кириш ва транспорт йўлакларининг кенглиги камида 3,0 — 3,6 m, бошқа йўлакларнинг кенглиги камида 2,4 m бўлиши лозим.

22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг пиёдалар ва транспорт воситалари учун кириш жойлари назорат қилиш воситалари (видеокузатув воситалари, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари) билан жиҳозланиши керак.

Тўсиқ деворларнинг типи ва баландлиги ҚМҚ 2.07.03 га мувофиқ лойиҳалаштириш топшириғи билан белгиланади.

23. 100 ўringача бўлган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг ҳудудида ўт ўчириш машиналари учун битта кириш, 100 ўриндан кўп бўлганда — иккита кириш жойлари (участканинг турли томонларидан) кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг атрофида бино деворларидан камида 5 m масофада ёнғин-қутқарув машиналари учун айланиб ўтадиган йўлаклар кўзда тутилиши лозим.

24. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларидаги йўлаклар, хиёбонлар ва майдончалар ёритилиши даражаси камида 6 lx ни, асосий майдончалар ва кириш ҳудудларида — камида 10 lx ни ташкил қилиши лозим.

25. Кўриш қобилиятини қисман йўқотган болалар учун очиқ бассейнлар ҳамда ўйин майдончалари периметрлари бўйлаб камида 1,2 m кенгликда йўналтирувчи (огоҳлантирувчи) тактил чизиқлар ўрнатилиши зарур.

Очиқ бассейн ҳовузларининг периметри бўйича баландлиги 1 м дан кам бўлмаган тутқичли тўсиқларни кўзда тутиш лозим.

26. Қарама-қарши ҳаракатга эга пиёдалар йўлакларининг кенглиги камида 2,0 m бўлиши, бўйлама нишаблик 5%дан ошмаслиги керак.

Пиёдалар йўлаклари ер ёки газон сатҳидан 5 — 7 sm баландликда, қаттиқ текис қопламага эга бўлиши лозим.

Йўлакларнинг чеккаларида йўл қопламаси билан ранги, акустик ва механик хоссалари бўйича фарқланадиган бордюр тош ёки бошқа материалдан бажариладиган тўсиқлар бўлиши керак. Йўлакларда баландлиги 55 — 60 sm бўлган тутқичли тўсиқлар бўлиши керак.

5-§. Реабилитация, ўйин, жисмоний тарбия ва бошқа мақсадлардаги майдончалар

27. Реабилитация учун гимнастика майдончаларида қуйидаги қўшимча ускуна кўзда тутилади:

турли қопламаларга (қум, тош ёки ўт) ўрнатиладиган, узунлиги 3 — 5 m бўлган бруслар;

мустақил ҳаракатланишга қодир бўлмаган болалар учун ўлчами 2 x 3 m бўлган манеж;

сув ёки рангли пластик тўпчалар билан тўлдириладиган, шишириладиган, ўлчами 2 x 3 m дан кам бўлмаган бассейн.

28. Кичик ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар учун ўйин майдончалари қумдонлар ва махсус ишлаб чиқилган кўтарилиб турувчи ёки унча баланд бўлмаган қурилмалар билан жиҳозланиши, нишаб юзалар бўйича ногиронлик аравачаларида чиқиш-тушиш ёки уларни ҳайдаш учун жойлар кўзда тутилиши керак.

29. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудида ҳар бир гуруҳ (синф) учун (10 — 12 киши) камида 36 — 40 m^2 ўлчамли соябон ўрнатилган майдончалар назарда тутилиши керак. Шунингдек, икки томондан тўсилган соябонларда ўйин ва боғ анжомларини сақлаш учун омборхоналар (6 m^2) бўлиши керак.

30. Майдони 20 — 30 m^2 бўлган болалар чўмиладиган бассейнларни ўрнатиш лойиҳалаштириш топшириғида кўзда тутилади. Чўмилиш бассейнлари шишириладиган бассейнлар билан алмаштирилиши мумкин.

31. Спорт (жисмоний тарбия) майдончалари таркибида гимнастика ва спорт ўйинлари учун майдончалар, кичик ўлчамли мактаб спорт ядроси жойлаштирилади.

32. Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган «городки», «чиллак» каби ўйинлар учун универсал майдончалар (450 m^2), стол тенниси, махсус ускунали (коррекцияловчи жиҳозлар, қайишқоқ қопламалар билан) гимнастика майдончалари кўзда тутилиши керак.

Бунда, майдончалар атрофида ўйин майдони чегарасидан 2,5 — 3,0 m масофада тўсиқлар ўрнатилиши керак.

33. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) реабилитация зоналари (шу жумладан, даволаш-гимнастика майдончалари, терренкур, солярий) зарур инсоляцияни ҳисобга олган ҳолда жойлашиши лозим.

Тиббий хоналар блокидан реабилитация майдонларигача масофа, одатда 25 m дан ошмаслиги, шунингдек улар ўзаро кенглиги 1,6 — 2,0 m бўлган йўлаклар билан боғланиши керак.

Кўришда нуқсони бўлган болалар учун терренкур (пиёдалар йўлакчалари) ташкил этишда кўприкчалар, жой рельефи бўйича йўл ташкил этиш, уларнинг йўналишини ўзгартириш кўзда тутилади. Бундай болалар учун турли мақсадлардаги атроф-муҳитни ўзлаштириш ва компенсация реакцияларини ривожлантиришга мўлжалланган махсус майдончаларни кўзда тутиш лозим.

4-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари

1-§. Умумий талаблар

34. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари СанҚваН № 0266-09, ШНҚ 2.08.02 ҳамда ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ бўлиши керак.

35. Ёнғин хавфсизлиги ва ногиронлиги бўлган болаларни бинолардан эвакуация қилишни таъминлаш ШНҚ 2.01.02 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларида кўришда нуқсони бўлган ва кар бўлган болалар учун ҳаракатланиш ва эвакуация йўллари, техник воситалари, муҳандислик жиҳозлари, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун махсус кўтарма қурилмалар, шунингдек биноларнинг ҳажмий-режавий ечимлари ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

37. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг хоналарини табиий ва сунъий ёритишга, шамоллатишга, микроиқлим кўрсаткичларига бўлган санитария-гигиена талабларини таъминлаш, хоналарни ертўла ва яримертўла (цоколь) қаватларида жойлаштириш бўйича лойиҳа ечимлари ШНҚ 2.01.05, ҚМҚ 2.04.05 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ўқув хоналари ва устахоналардаги табиий ёритиш коэффициенти камида 1,5%, кўришда нуқсони бўлган болалар учун ўқув хоналари ва устахоналарда — 2,0 — 2,5% бўлиши лозим.

Хоналарни шовқиндан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар ШНҚ 2.01.08 га мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

38. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларини лойиҳалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

ўткир бурчакларнинг думалоқлаштирилиши (радиус 0,05 m);

хоналардан чиқиш эшиклари тавақалари ҳаракатланишга тўсқинлик қилмаслиги;

ойна солинган эшикларни қўлламаслик;

иккинчи ёруғлик билан ёритишни ташкил этишда ойна қўйиладиган дераза ўринларини пол сатҳидан камида 1,5 м баландликда жойлаштириш ва уларни синишдан ҳимояловчи сеткалар билан таъминлаш;

машғулотлар учун синф хоналари, плеопто-ортоптик хона, логопедия хонаси шовқинли, электр ускуналари ўрнатилган хоналар ҳамда лифт шахталари билан туташ бўлмаслиги;

гуруҳ хоналарида, ўйин ва овқатланиш хоналарида, ўқув хоналарида дераза токчалари пол сатҳидан камида 0,8 m баландликда бўлиши.

39. Кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тўсқинликсиз эркин ҳаракатланиш таъминланиши лозим. Бунда, бино вестибюлларида ҳамда ҳаракат йўналишида ҳеч қандай бўртиклар, колонналар, остоналар ёки пол юзасининг сатҳида паст-баландликлар бўлмаслиги керак.

Ҳаракатланиш йўлаклари ШНҚ 2.07.02 ни ҳисобга олган ҳолда махсус қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

2-§. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ҳажмий-режавий ечимлари

40. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бинолари 2-жадвалда келтирилган хоналарнинг таркиби ва майдонларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

2-жадвал

Гуруҳ хоналари	**Майдони, m^2, 1 ўринга, ногиронлиги бўлган болалар учун**			
	кўришда нуқсони бўлган болалар учун	**эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун**	**таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун**	**интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун, олигофренлар**
1. Ечиниш хонаси (қабулхона)	1 — 0,8	0,8 — 1,0	1,2	0,8 — 1,0
2. Гуруҳ хонаси (ўйин, овқатланиш)	3,5	3,0 — 3,5	3,5 — 4,0	3,5 — 4,0
3. Машғулот учун синф (хона)	3,0 — 3,5	2,5 — 3,0	3,5	2,5 — 3,0
4. Ухлаш хонаси	3,5 — 4,0	3,5	4,0	3,5
5. Ҳожатхона	0,85	0,8	0,9 — 1,0	0,8
6. Буфет	0,25	0,25	0,25	0,25

7. Гуруҳ машғулотлари учун логопедия хонаси (10-12 m^2)	-	икки гуруҳга битта хона	-	-
8. Плеопто-ортоптик хона (20 m^2)	икки гуруҳга битта хона	-	-	-

41. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари ва уларнинг сиғими мазкур ШНҚнинг 3-иловасида назарда тутилган.

42. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларнинг гуруҳларида болалар сони 12 тадан, алоҳида ҳолатларда (тиббий ва педагогик талабларга кўра) — 7 — 10 тадан ошмаслиги керак. Ғилайлиги бўлган ва амблиопияли болалар учун гуруҳларда уларнинг сони 15 нафарни ташкил этиши мумкин.

43. Болаларнинг ёшига қараб гуруҳлар таркиби СанҚваН № 0266-09 га мувофиқ қабул қилинади.

44. Гуруҳ хоналаридан, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари залларидан очиқ зинапоя бўйича эвакуация чиқиш йўлларини ташкил қилиш эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган 5 — 7 ёшли болалар учун кўзда тутилиши мумкин. Кўришда нуқсони бўлган, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар ва ақли заиф болалар учун эвакуация мақсадида очиқ зинапоялардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

45. Ҳар бир гуруҳ хоналари бошқа гуруҳ хоналаридан ўзаро ажратилган бўлиши лозим. Бунда, гуруҳ хоналари жамоат ва тиббий хоналари ҳамда мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари заллари билан қулай боғланиши керак.

Ҳар бир гуруҳда ўйнаш ва ухлаш хоналари ҳожатхоналар билан қулай боғланиши керак. 4 ва ундан катта ёшдаги болалар учун ҳожатхоналар ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак.

46. 12 нафар болали гуруҳ учун 3-4 унитаз, 2 писсуар, 3-4 қўл ювгич, 1-2 оёқ ванналари, 1-2 душ сеткалари кўзда тутилиши лозим. Иккита гуруҳ учун битта ванна хонаси кўзда тутилиши мумкин.

Кўришда ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун санитария узелларида махсус тутқичлар кўзда тутилиши лозим.

47. Логопедия коррекцияси машғулотлари учун хона камида 30 m^2 бўлиши керак.

48. 45 — 90 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари учун майдони 70 — 75 m^2 бўлган универсал зал кўзда тутилиши мумкин.

90 ўриндан кўп бўлган сиғимда ҳар бир зал майдони 60 m^2 дан кам бўлмаслиги лозим.

100 — 120 ўринли кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида 70 m2 ли мусиқа машғулотлари учун зал ва майдони 80 — 100 m^2 (баландлиги 4,2 — 4,5 m) бўлган жисмоний тарбия-гимнастика зали кўзда тутилади.

24 — 36 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида заллар кўзда тутилмаслиги мумкин.

49. Соғломлаштириш машғулотлари учун бассейнларни кўзда тутиш тавсия этилади (3х6 — 6х12 m) ҳамда уларнинг ўлчамлари ва таркиби лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

50. Тиббий хоналар таркибига шифокор хонасини (12 m^2), муолажа хонасини (14 m^2) ва изолятор киради. Бунда, ушбу хоналарни хўжалик хоналари, ошхона ва кирхонадан алоҳида ажратилган ҳолда биринчи қаватда жойлаштириш лозим.

Изолятор 6 m^2 дан иккита палатага, даҳлизга (3 m^2) ва санитария узелига (3 m^2) эга бўлиши керак. Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун палата камида 9 m^2, санитария узели эса 4 m^2 (махсус тутқичларни ўрнатиш билан) бўлиши лозим.

Офтальмолог хонаси таркибида 3 х 6 m ўлчамдаги (деворлари тўқ яшил рангга бўялган) қоронғи хона кўзда тутилиши керак. Офтальмолог хонаси бўлмаган, 24 — 36 ўринга

мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида 3 х 6 m ўлчамдаги коронғи тиббий хона бўлиши керак.

Тиббий хоналарнинг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 5-иловасида назарда тутилган.

51. Маъмурий, хўжалик ва ошхона блоки хоналари ушбу ШНҚнинг 6-иловасига ҳамда ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

5-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари

52. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) хоналари (секция, блок) қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

мактабгача тайёрлаш гуруҳлари учун ўқув ва турар-жой секциялари;

кичик ёшдаги (I — IV синф) болалар учун ўқув ва турар-жой секциялари;

катта ёшдаги (V — XI синф) болалар учун турар-жой секциялари;

мактаб ўқув хоналари (предметлар бўйича хоналар, табиий фанлар лабораториялари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари);

маданият хоналари (маънавият-маърифат хоналари, кутубхона-ахборот маркази, тўгараклар, мажлислар зали, кўргазма зали, радиузел, техник марказ);

ўқув-спорт блоки (спорт зали, тренажёр зали, бассейн, душхоналар, ечиниш хоналари ва санитария узеллари);

тиббий блок (реабилитация, даволаш, муолажа, изолятор ва шифокорлар хоналари);

маъмурий-хўжалик хоналари;

реабилитация ва коррекция машғулотлари хоналари;

кўриш ва эшитиш идрокини ривожлантириш, талаффузни ўргатиш хоналари;

даволаш-жисмоний тарбия хонаси;

ижтимоий-маиший ва бошқа машғулотлар учун хоналар.

53. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сиғими ва комплектацияси мазкур ШНҚнинг 4-иловасида назарда тутилган.

54. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) кичик ва катта ёшдаги болалар учун секциялар ўзаро бир-биридан ажратилиши, ушбу муассасаларнинг ўқув хоналари билан қулай боғланиши, болаларнинг мақбул яшаш, ўқиш, даволаниш ва реабилитация қилиш шароитлари таъминланиши лозим.

Бунда, секциялар кесиб ўтиладиган бўлмаслиги керак.

55. Ҳар бир секция камида иккита алоҳида жойлашган, туташ ҳудудга мустақил кириш-чиқиш жойларига эга бўлиши керак.

56. Кичик ёшдаги ҳамда мактабгача тайёрлаш гуруҳларидаги болалар учун ўқув ва турар жой секциялари 3-жадвалда назарда тутилган хоналарни ўз ичига олади. Тарбияланувчи (ўқувчи)ларнинг ҳисобий сони лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

3-жадвал

Хоналар номланиши	Хоналар майдони, m^2		
	Мактабгача ёшдаги болалар — тайёрлов синфи (12 киши)	I-II синф 2 та синф — 24 киши (ақли заифлар учун 32 киши)	III-IV синф 2 та синф — 24 киши (ақли заифлар учун 32 киши)
Қабулхона, гардероб, вестибюль	15 — 18	30 — 36	30 — 36
Ухлаш хонаси (мактабгача ёшдаги болалар учун — 3,5 m^2/киши, кўришда нуқсони бўлган ва БЦФ** бўлган, ҳаракат функциялари бузилган	42 (21х2) кўришда нуқсони бўлган ва БЦФ бўлган болалар	96 (4 — 6 хона) кўришда нуқсони бўлган ва БЦФ-108 бўлган болалар учун (6	96 (4 — 6 хона) кўришда нуқсони бўлган ва БЦФ-108 бўлган болалар учун (6

болалар учун — камида 4 m^2/киши; ўқувчилар 4,0 — 4,5 m^2/киши)	учун 48-54* (24 — 27)х2	хона), ақли заифлар учун — 128 (5 — 7 хона)	хона), ақли заифлар учун — 128
Ўйин хонаси (мактабгача ёшдаги болалар — 2,5 m^2/киши, ўқувчилар — 1,25 m^2/киши, хона камида 30 $м^2$)	30(40)*	30 — 40 кўришда нуқсони бўлган ва БЦФ — 40 бўлган болалар учун	30 — 40
Синф	32 — 36(40)	36(40)*	(40)*
Қўл меҳнати учун устахона	-	4 синфга битта хона 40(50)*	
Индивидуал машғулотлар, дарс тайёрлаш учун хона		12(16)*	12(16)*
Буфет билан ошхона	36	Умумий мактаб ошхонасида	
Ўғил болалар ва қизлар учун ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари (унитазлар, қўл ювадиганлар, оёқ ювиш учун мослама) душхона, ванна хона	Майдони санитария анжомлари миқдорига мувофиқ қабул қилинади		
Маиший хона (кир ювиш, қуритиш, кийим дазмоллаш)	-	10 — 12	10 — 12
Тарбиячи хонаси (санитария узели билан — унитаз, душ, қўл ювгич)	12 (8+4)	12 (8+4)	12 (8+4)
Болалар шахсий буюмлари омборхонаси	5 — 6	6 — 8	6 — 8
Тозалаш анжомлари учун хона	5	5	5

* Қавс ичида кўришда нуқсони бўлган болалар ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бор болалар учун хоналар майдонлари келтирилган.

** БЦФ (БЦФ) — болалар церебрал фалажи.*

57. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) ухлаш хоналари ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак.

58. Ҳар бир турар жой секциясида навбатчи тарбиячи хонаси кўзда тутилади.

59. Катта ёшдаги болалар учун турар жой секциялари, одатда 3 та синфга ёки 36 нафар болалар, шунингдек ақли заиф болалар учун — 2 та синф ёки 30 нафар болалар ҳисобидан кўзда тутилади.

Турар жой секциялари таркибига яшаш хоналари, санитария-маиший, дам олиш ва мустақил машғулотлар хоналари киради. Ушбу секцияларда ўқув хоналари кўзда тутилмайди.

Ўғил ва қиз болалар учун алоҳида турар жой секцияларини кўзда тутиш тавсия этилади.

60. Катта ёшдаги болалар учун турар жой секцияларининг таркиби ва майдонлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Хоналар	Мактаб-интернатлар хоналарининг майдони, m^2		
	Эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	**Кўришда нуқсони бўлган болалар учун, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, БЦФ билан касалланган болалар учун**	**Интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун**
	3 та синф — 36 киши	**3 та синф — 36 киши**	**2 та синф — 32 киши**
Гардероб хоналар билан вестибюль — 0,75 — 0,8 m^2/киши учун	27	30 — 32	24 — 26
Ухлаш хоналари — 4,0 — 4,5 m^2/киши учун	144 (4 — 6 кишили хоналар)	162 (4 кишили хоналар)	128 (6 — 8 кишили хоналар)
Дам олиш хонаси — меҳмонхона	24	30	24 — 30
Индивидуал машғулотлар учун хона	16	16	-
Ҳожатхоналар (гигиена кабинаси билан), ювиниш хоналари, душхоналар, тахминий майдони 1 — 1,2 m^2/киши ҳисобидан	Майдони санитария анжомлари сонидан (6-жадвал) келиб чиқиб қабул қилинади		
	36 — 40	40 — 43	33
Маиший хоналар (кийимни тозалаш, ювиш, дазмоллаш хоналари) 0,4 — 0,5 m^2/киши	15 — 18	20	15
Навбатчи тарбиячи хонаси (душли санитария узели билан)	12 (8+4)	12 (8+4)	12 (8+4)
Шахсий буюмларни сақлаш хонаси	8	8 — 12	8
Тозалаш анжомлари учун хона	5	5	5

61. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) синфлари «квадрат» шаклида, кенглиги 6 -7 m дан кўп бўлмаган ўлчамда бўлиши керак. Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида визуал ёки эшитиш контактининг мақбул шароитлари ўқув хонаси узунлиги 7 m дан ошмаганда таъминланади.

Бошланғич синфларнинг майдони камида 32 m^2, кўришда, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, болалар церебрал фалажи (БЦФ) билан касалланган болалар учун — камида 36 m^2, 7 ўқувчига мўлжалланган ёрдамчи синфларнинг майдони камида 20 m^2 бўлиши лозим.

Махсус фан кабинетлари ва табиий фанлар лабораториялари майдонини камида 50 m^2, карлар ва заиф эшитувчилар учун мактабларда — 40 m^2 ўлчамда кўзда тутиш лозим. Лабораторияларининг узунлиги 7 m дан ошмаслиги лозим.

Препаратларни сақлаш хоналари 16 — 18 m^2, лаборантлар учун хоналарнинг ўлчамлари эса камида 24 m^2 бўлиши лозим.

62. Ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари бошланғич касбий тайёргарлик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилади. Бунда:

кар болалар учун, нутқида, интеллектуал ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун — тикувчилик, картонаж устахоналари, пазандачилик устахонаси бир иш ўринга — 4,5 — 5,0 m^2;

кўришда ва таянч-ҳаракат функцияларида нуқсони бўлган болалар учун ҳар қандай мақсадларга мўлжалланган устахоналардаги бир иш ўринга — камида 6 m^2;

ёғочга, металлга ишлов бериш ҳамда механика ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари бир иш ўринга — 5 — 8 m^2 бўлиши керак.

63. Ушбу устахоналар ўқув ёки тўгараклар учун хоналар гуруҳи таркибида, ошпазлик устахонаси овқатланиш блокида, ёғочга, металлга ишлов бериш ҳамда механика ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари ягона блокда, биринчи қаватда жойлаштирилади.

Устахоналарда омборхона (8 m^2), асбоб-ускуналар хонаси (8 m^2), санитария узели (3-4 m^2) кўзда тутилади.

64. Ишлаб чиқариш ўқув-устахоналарида механик ускуналар жойлаштирилганда йўлаклар кенглиги қуйидагича бўлиши лозим:

марказий ўтиш йўлаги — 120 — 160 sm;

дастгоҳлар ёки верстаклар орасидаги ўтиш йўлаги — 90 sm;

девор ва ускуна ўртасидаги ўтиш йўлаги — 70 sm.

65. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) учун ишлаб чиқариш ўқув устахоналарнинг индикатив рўйхати 7-иловада келтирилган.

66. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) хоналарининг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасида келтирилган ўлчамларда лойиҳалаштирилиши керак.

67. Ўқув блокларидаги рекреация жойлари бир бола учун 1,0 — 1,5 m^2 ҳисобидан қабул қилинади. Рекреация коридорларининг кенглиги ўқув хоналари бир томонлама жойлашганда камида 2,4 m ва икки томонлама жойлашганда камида 3,0 m бўлиши лозим.

68. Мажлислар заллари одатда 150 — 200 ўринга мўлжалланиб, залдаги 1 ўринга 0,8-0,9 m^2 ҳисобидан лойиҳалаштирилади. Мажлислар зали биринчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

69. Кутубхона ҳузурида «Маърифат-маънавият» хонаси (36 — 40 m^2), овоз ёзиб олиш студияси, ўқувчилар кўргазма ишларини сақлаш учун хоналар кўзда тутилади.

70. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) 12 х 24 m ўлчамдаги, баландлиги камида 6 m бўлган универсал спорт заллари кўзда тутилади.

Спорт заллари икки томонлама ёритилиши ва шамоллатиш имкониятига эга бўлиши, биринчи қаватда жойлаштирилиши ҳамда ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

71. Ошхоналарнинг овқатланиш заллари ўқувчиларнинг 1,5 — 2 марта алмашинувига мўлжалланган ўриндиқлар сони билан таъминланиши керак.

Овқатланиш залининг майдони залдаги 1 ўрин ҳисобидан қуйидагича қабул қилинади:

кар болалар ва ақли заиф болалар учун — 1,3 $м^2$;

кўришда нуқсони бўлган болалар учун — 1,5 $м^2$;

БЦФ ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун — 1,6 $м^2$.

Ошхоналар биринчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

Овқат тайёрлаш учун электр ускуналаридан фойдаланиш лозим.

72. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) умумий сиғими ҳисобидан ўринларнинг 5% ни ташкил этадиган изоляторлар кўзда тутилиши, улар биринчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

Изолятор палаталари ҳар бир койкага камида 6 m^2 ҳисобидан, ҳаракат функциялари бузилган болалар учун — ҳар бир койкага 8-9 m^2 ҳисобидан кўзда тутилади. Палаталарда санитария узеллари кўзда тутиш лозим (камида 4 m^2).

Изоляторлар таркиби, хоналарининг ўлчамлари ва тиббий ускуналар билан жиҳозланиши СанҚваН №0292-11, ШНҚ 2.07.02 ва ШНҚ 2.08.02 талаблари бўйича белгиланади.

73. Тиббий блокларида терапевт (12 m^2), стоматолог (14 m2), психотерапевт (16 m^2), физиотерапия (18 m^2), муолажалар (18 m^2), массаж (14 m^2), ҳамшира (8 m^2), инветарь (6 m^2) хоналари назарда тутилади.

Оториноларинголог (врач-сурдолог) хонасига қўшимча — аудиометрик хона, офтальмолог хонасига қўшимча — деворлари тўқ яшил рангга бўялган 6 х 3 m ўлчамдаги қоронғи хона бўлиши керак.

Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун рентген (30 m^2), гидротерапия ва гидромассаж (30 m^2), озокерит ва иссиқ билан ўраш (24 m^2), невропатолог (18 m^2), протезлаш (24 m^2) хоналари ҳамда даволаш жисмоний тарбия заллари (50 — 100 m^2) кўзда тутилади.

74. Ҳожатхона кабиналарининг эшиклари ташқарига очилиши керак. Кабиналар орасидаги пардеворларнинг (полдан) баландлиги камида 1,75 m бўлиши ва 0,2 m баландликда полгача етмаслиги керак. Кабиналар 0,8 х 1,0 m ўлчамда бўлиши керак. Кичик ёшдаги болалар учун очиқ ҳожатхоналар кўзда тутилиши мумкин.

Таянч-ҳаракат тизимида нуқсонлари бўлган болалар учун ҳожатхоналар, ювиниш хоналари, душхоналар ШНҚ 2.07.02 га мувофиқ махсус тутқичлар ва ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

75. Санитария узеллари ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) санитария узеллари 6-жадвалга мувофиқ жиҳозланиши керак.

6-жадвал

Хоналар	**Ўлчов бирлиги**	**Майдон, m^2**	**Анжомлар сони**
Мактаб ўқув блоки			
Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари: қизлар учун	1 ўқувчи	0,1	1 унитаз 15 тага 1 қўлювгич 20 тага 1 биде 40 — 50 тага
ўғил болалар учун	1 ўқувчи	0,1	1 унитаз 20 тага 1 писсуар 20 тага 1 қўлювгич 20 — 25 тага
Ходимлар учун ҳожатхоналар (индивидуал)	1 каб.	3,0	1 унитаз 1 қўлювгич
Шахсий гигиена кабинаси (ходимлар учун)	1 каб.	3,5	1 унитаз, 1 биде, 1 қўлювгич
Ҳожатхоналар ва душхоналар спортзалларнинг кийиниш хоналаридаги ўғил ва қиз болалар учун ҳар бир кийиниш хонасида			1 унитаз 1 қўлювгич 1 оёқ ваннаси 2 душ сеткаси
Турар-жой блокларининг таркибида			
Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари: қизлар учун	1 ўқувчи	0,4	1 унитаз 8 тага

			1 қўлювгич 6 тага
			1 оёқ ваннаси 8 — 10тага
ўғил болалар учун	1 ўқувчи	0,4	1 унитаз 10 тага 1 писсуар 10 тага 1 қўлювгич 6 — 8 тага 1 оёқ ваннаси 10 тага
Санитария узелида шахсий гигиена кабинаси	1 каб.	3,0	1 унитаз, 1 биде 1 қўлювгич
Душхоналар	1 каб.	1,6	1 душ сеткаси 10 — 12кишига
Кийимлар учун илгакли кийиниш хоналари	ўрин		2 ўринга 1 сетка
Ходимлар учун санитария узели		3,0 — 4,0	1 унитаз, 1 қўлювгич, 1 душ
Ванна хона		12,0 — 14,0	1 ванна, 1 душ

76. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) вестибюллари 40 — 72 m^2 ўлчамда бўлиши керак. Уларнинг таркибида дам олиш ва ота-оналар билан учрашувлар жойлари назарда тутилади. Вестибюлга кириш қисмида кенглиги камида 1,8 m бўлган тамбур назарда тутилади.

Вестибюлда кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудидаги барча иншоотларнинг жойлашиши кўрсатилган макети жойлаштирилиши лозим.

77. Маъмурий хоналарнинг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

Директор хонасини қабулхона-девонхонага ҳамда вестибюлга яқин жойлаштириш, ўқитувчилар хонасини ўқув синфлари билан ўзаро боғланган ҳолда жойлаштириш керак.

78. Ўқувчилар буюмларини (кийим-кечак, пойабзал) сақлаш хоналари — 1 ўқувчига 0,35 m^2 ҳисобидан, спорт анжомларини сақлаш хоналари — 1 ўқувчига 0,1 m^2 ҳисобидан кўзда тутилади.

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари (96 — 120 ўрин ҳисобидан)

Номланиши	Майдон, м^2, нуқсонлари бўлган болалар учун ташкилотларда			
	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	кўришда нуқсони бўлган болалар учун	таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар	интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
Дам олиш жойлари, гуруҳ майдончалари	600 — 800 320 — 400	1000 — 1500 320 — 400	1000 — 1500 360 — 420	800 — 1200 320 — 400
Умумий жисмоний тарбия — спорт майдончаси	250 — 300	250-300	300 — 400	250 — 300
Полиз-реза мевазор, манзарали ўсимликлар	300	300	300	300
Ҳайвонлар ва қушлар учун павильон (майдонча)	40	40	40	40
Хўжалик мақсадлари учун майдонча (чиқинди контейнерлари билан)	30	30	30	30
Кўкаламзорлар	Участка майдонининг камида 40%			

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари (144 — 288 ўрин ҳисобидан)

Зоналар ва майдончалар	Майдони, м^2			
	таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун	интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	кўришда нуқсони бўлган болалар учун
1. Ўқув-амалиёт боғдорчилик-полиз зонаси, шу жумладан:	550 — 580	650 — 680	550 — 580	500 — 530
полиз экинлари участкас	200	250	200	200
боғ ва реза мевазор	250	300	250	200
ўсимликлар участкаси	50	50	50	50
теплица (парник)	50 — 80	50 — 80	50 — 80	50 — 80
2. Ўқув зонаси, жами, шу жумладан:	160	160	160	160
метеогеографик майдонча	50	50	50	50
зоомайдон	50	50	50	50
синф-соябон	60	60	60	60
3. Спорт зонаси, жами, шу жумладан, майдончалар:	3640	3640	3640	2248
спорт ўйинлари учун, ўт қопламали	36x60 2160	36x60 2160	36x60 2160	36x60 2160
енгил атлетика учун	490	490	490	-
гимнастика учун анжомлар билан	12x24 288	12x24 288	12x24 288	12x24 288
волейбол-баскетбол учун	540	540	540	-
стол тенниси учун	162	162	162	-
4. Дам олиш, рекреация зонаси, шу жумладан:	1200 — 1400	980 — 1450	1180	1380
кичик ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари	300	300 — 400	300	300
катта ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари	400 — 600	200	400	600
2 — 5 кишилик ўриндиқли дам олиш майдончалари	200	180 — 250	180	180
5. Хўжалик зонаси	900	900	900	900

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари ва уларнинг сиғими

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари	**Гуруҳдаги ўринлар сони**	**Гуруҳлар сони**	**Сиғими**
Кўришда нуқсони бўлган болалар учун	12	6 — 10	72 — 120
Ғилайлик ва амблиопияси бўлган болалар учун	15	4 — 8	60 — 120
Эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	12	6 — 10	72 — 120
Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, шунингдек БЦФ бўлган болалар учун	12	6 — 10	72 — 120
Интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун	12	6 — 10	72 — 120

Изоҳ: *Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари ва сиғими лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.*

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сиғими ва комплектацияси

Муассасаларининг ихтисослиги	Сиғими	Шу жумладан			
		Мактабгача тайёрлаш	I — IV синфлар	V — IX синфлар	X — XI синфлар
Кўришда нуқсони бўлган болалар учун 11 синфлик мактаб-интернат (тайёрлов синфи билан)	144	12	48	60	24
Шунинг ўзи, икки потокка — 22 синфлик (иккита тайёрлов синфи билан)	288	24	96	120	48
Кар ва нутқида нуқсони бўлган, эшитиш қобилияти заиф болалар учун 11 синфлик мактаб-интернат (тайёрлов синфи билан)	144	12	48	60	24
Шунинг ўзи, 22 синфлик (иккита тайёрлов синфлари билан)	288	24	96	120	48
Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун 12 синфлик мактаб-интернат	144	12	48	60	24
Шунинг ўзи, 24 синфлик (иккита тайёрлов синфлари билан)	288	24	96	120	48
Ақли заиф болалар (олигофренлар) учун 9 синфлик мактаб-интернат	144	-	64	80	-
Шунинг ўзи, икки потокка — 18 синфлик	288	-	128	160	-

Изоҳ: *Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сиғими ва комплектацияси лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.*

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида тиббий хоналар таркиби ва майдонлари (72 — 120 ўрин ҳисобидан)

Хоналар	**Майдон, м^2, нуқсонлари бўлган болалар учун ташкилотларда**			
	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	**кўришда нуқсони бўлган болалар учун**	**таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун**	**интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун**
Тиббий хона (муолажа хонаси)	13 — 14	13 — 14	-	13 — 14
Изолятор (иккита палатага, санитария узели, ҳамшира пости билан)	16 — 18	16 — 18	18 — 20	16 — 18
Физиотерапия хонаси (муолажа хонаси)	14	14	14	14
Педиатор шифокори хонаси	12	14	14	12 — 14
Логопедия хонаси	12	-	12	14
Маслаҳатчи шифокор хонаси	-	-	14 дан 2 та	-
Окулист хонаси, қоронғи хона билан	-	30 — 38	-	-
Сув ости массажи, сувда ҳаракат функцияларини ривожлантириш учун хона (кийиниш хоналари билан)	-	-	36 — 40	-
Ёрдамчи хонага эга иссиқлик ва электр билан даволаш хонаси	-	-	14	-
Протезлаш хонаси	-	-	14	-

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида маъмурий, хўжалик ва ошхоналарнинг таркиби ва майдонлари (72 — 120 ўрин ҳисобидан)

Хоналар	Майдон, $м^2$, нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган ташкилотларда			
	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	кўришда нуқсони бўлган болалар учун	таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун	интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
Мудир хонаси	12 — 14	12 — 14	12 — 14	12 — 14
Услубий кабинет ва педагоглар хонаси	18 — 24	22 — 26	22 — 26	18 — 24
Ота-оналар учун қабулхона	20	20 — 25	20 — 25	20
Хўжалик бўлими мудири ва бухгалтерия хонаси	16	16	16	16
Ходимлар хонаси	10	10	10	10
Ходимлар гардероб хонаси, душхонаси ва санитария узели	10	10	10	10
Болалар учун ювиниш ва сув муолажаларини ўтказишга мўлжалланган ванна хонаси (кийиниш хонаси билан)	16 — 20	20	24 — 40	16 — 20
Болалар учун сув муолажаларидан кейин дам олиш хонаси	14	14	14 — 16	14
Ошхона овқат тарқатиш ва идиш ювиш хонаси билан	30 — 40	30 — 40	30 — 40	30 — 40
Ошхонанинг омборхоналари (2 та хона)	12	12	12	12
Кирхона (тоза чойшабни сақлаш)	8 — 10	10 — 12	12 — 14	10 — 14
Кир ювиш-ажратиш хонаси	16	20	20	16
Қуритиш-дазмоллаш хонаси	12	14	14	12
Асбоб-анжом, ускуна омборхоналари (умумий майдон)	15 — 20	18 — 20	18 — 20	15 — 20
Жиҳозларни таъмирлаш устахонаси	15	15	15	15

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) учун ишлаб чиқариш ўқув устахоналарнинг индикатив

РЎЙХАТИ

Номланиши	**кўришда нуқсони бўлган болалар учун**	**эшитиши ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун**	**таянч-ҳаракат аппаратида бузилишлар бўлган болалар учун**	**интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун**
1. Ёғочга ишлов бериш устахонаси	+	+	+	+
	Махсус дастгоҳлар ва мосламалар	Мактаб устахоналари учун жиҳозларнинг намунавий тўпламлари		
2. Металл ва пластмассага ишлов бериш устахонаси	+	+	+	+
	Махсус дастгоҳлар ва мосламалар	Намунавий ускуна		
3. Механик, механика йиғув устахонаси	+	+	+	+
	Махсус дастгоҳлар ва мосламалар	Намунавий ускуна		
4. Картонаж-муқовалаш устахонаси	+	+	+	+
	Махсус дастгоҳлар ва мосламалар	Намунавий ускуна		
5. Электр-радиотехника устахонаси	+	+	+	+
	Махсус ускуна	Намунавий ускуна		
6. Пойафзал устахонаси	-	+	+	+
7. Пазандачилик устахонаси	+	+	+	+
8. Тикув устахонаси	-	+	+	+
9. Қ/х ускунасини таъмирлаш устахонаси		Маҳаллий шароитлар бўйича		
10. Автотаъмирлаш устахонаси		Маҳаллий шароитлар бўйича		

«+» белгиси — мактаб-интернат таркибида устахона мавжудлигини, «-» белгиси йўқлигини англатади.

ШНҚ 2.08.07-22 «Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
8-ИЛОВА

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) хоналарининг таркиби ва майдонлари

Хоналар	Майдон, м^2			
	11 йиллик			9 йиллик
	12 та синф, 144 ўринли (тайёрлов синфи билан — 12 та бола)		24 та синф, 288 ўринли (иккита тайёрлов синфлари билан — 24 та бола):	18 та синф, 288 ўринли
	Кўришда ва нутқида нуқсони бўлган болалар учун	БЦФ ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун		интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
1. Мактабгача тайёрлаш гуруҳлари учун ўқув ва турар-жой секциялари				
	12 кишилик синф	12 кишилик синф	12 кишидан иккита синф	
Вестибюль кийиниш хонаси билан	15-18 (19)*	18	38 /19х2	-
Ухлаш хоналари (ўғил ва қиз болалар учун)	42 /21х2	48 /24х2	96 /24х4	
Синф — гуруҳ	36 — 40 (42)	40 — 42	80 — 84 / 40х2	-
Ўйин хонаси — ошхона	36 (42)*	42 — 45	42 — 45	-
Буфет	6	6	6	
Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари (ўғил ва қиз болалар учун)	24 — 26* 12 (13)х2	26 /13х2	52 / 13х4	-
	Санитария асбобларни жойлаштиришни ҳисобга олиб аниқланади			
Душхона ванна билан (кийиниш учун жойлар билан)	15	15	15	-
Навбатчи тарбиячи хонаси (санитария узели билан)	12 / (8+4)	12 / (8+4)	12 / (8+4)	-
Болалар шахсий буюмларини сақлаш хонаси	6 — 8	6 — 8	12 — 16 / 2	-
Инвентарь учун хона	5	5	6	-
Ойналанган веранда	Лойиҳалаштиришга топшириқ бўйича			
2. Кичик ёшдаги (I-IV синф) болалар учун ўқув ва турар-жой секциялари				
	4 синф 48 киши	4 синф 48 киши	8 синф 96 киши	8 синф 128 киши

Синф хоналари	160 / 40х4	160 / 40х4	160 / 40х4	160 / 40х4
Қўл меҳнати устахонаси	40 (50)*	40	80 / (40х2)	80 / (40х2)
	тўртта синфга битта хона			
Ўйин хоналари (дам олиш хоналари)	60 (72)* 30 (36)* х 2	80 / 40х2	160 / 40х4	120 / 30х4
Индивидуал машғулотлар хонаси	12 (16)*	16х2	16х4	-
Ухлаш учун хоналар (4,0-4,5 м^2/киши)	192 (216)*	216	432	512
Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари, душхоналар (ўғил ва қиз болалар учун)	Санитария асбобларининг жойлашишини ҳисобга олиб майдонларни қабул қилиш			
	45	50	100	120
Вестибюль гардероб билан (0,75 — 0,8 м^2/киши)	36 (40)* 18 (20)*х2	40 / 20х2	80 / 20х4	96 / 24х4
Маиший хона (кийимни тозалаш, кир ювиш, дазмоллаш)	30 / 15х2	40 / 20х2	80 / 20х4	60 / 15х4
Болалар шахсий буюмлари ва кийими омборхонаси	16 / 8х2	16 / 8х2	32 / 8х4	32 / 8х4
Навбатчи тарбиячи хонаси (8 м^2+4 м^2)	24 / 12х2	24 / 12х2	48 / 12х4	48 / 12х4
Инвентарь учун хона	10 / 5х2	10 / 5х2	20 / 5х4	20 / 5х4
Очиқ ҳавода машғулотлар учун веранда (камида 30 м^2)	Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича			
3. Катта ёшдаги (V-XI синф) болалар учун турар-жой секциялари;				
	7 синф 84 киши	7 синф 84 киши	14 синф 168 киши	10 синф 160 киши
Вестибюль устки кийим гардероби билан (0,75 м^2/киши)	63 (65) (учта хона)	65 (учта хона)	126 — 130 (бешта хона)	120 (бешта хона)
Дам олиш хоналари	84	90	150	120
Индивидуал машғулотлар учун хоналар (16-20 м^2 дан)	50 — 60 3	60 3	100 5	-
Ухлаш хоналари (4 — 4,5 м^2/киши)	336 — 378	378	756	640
Ҳожатхоналар, ювиниш хоналари, душхоналар, қизлар шахсий гигиена кабинаси — 3 м^2	санитария жиҳозлари сонига мувофиқ			
	72	80	160	120

Маиший хоналар (кийим тозалаш, ювиш, дазмоллаш учун — камида 12 м^2)	35 — 42 (учта хона)	42 (учта хона)	84 (бешта хона)	60 — 64 (бешта хона)
Навбатчи тарбиячилар хонаси 12 м^2 дан (тамбур-даҳлиз и ва санитария узели билан)	Ҳар бир яшаш секцияси ҳисобидан			
	36 / 12х3	36 / 12х3	60 / 12х5	60 / 12х5
Болалар шахсий буюмлари ва кийимлари омборхонаси (ҳар бир секцияда)	24 (учта хона)	30 (учта хона)	50 (бешта хона)	40 (бешта хона)
Инвентарь учун хоналар (ҳар бир секцияда — 5 м^2)	15 (учта хона)	15 (учта хона)	30 (бешта хона)	25 (бешта хона)
4. Мактаб ўқув хоналари				
Предметлар бўйича хоналар, табиий фанлар лабораториялари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари				
Табиий фанлар (химия, физика, биология) лабораторияси	50 (60)	50	50	50
Лаборантлар хонаси (химия, физика, биология)	30	30	30	24
Математика хонаси	40 — 50	40	80 /40х2	40
Тарих, ижтимоий фанлар, ўлкашунослик, география хонаси	40 —50	40	40	40
Она тили ва адабиёт (нутқни ривожлантириш) хонаси	40 — 50 (60)	40	40	80 / 40х2
Чет тиллар кабинети (лингафон ускунаси билан)	40 — 50	40	40	-
Информатика хонаси	50	50	50	-
Расм чизиш, тасвирий санъат, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик хонаси	50 (60)	50	50	50
Мусиқа машғулотлари, қўшиқ айтиш хонаси	+	+	+	+
	томошабинлар залининг эстрадасида			
Кўришда нуқсони бўлган болалар учун ижтимоий-маиший йўналтириш ва материалшунослик хонаси	(60)	-	-	-

Рўзғоршунослик устахонаси (кулинария, кийим тикиш, каштачилик)	40 — 50	40 — 50	40 — 50	50
Логопедия кабинети (нутқни ривожлантириш, ритмик машғулотлар, бошқ.)	40 — 50	40 — 50	40 — 50	40
«Маърифат-маънавият» кабинети (кутубхонанинг ўқиш зали билан қўшилган)	+	+	+	+
Ўқув-спорт блоки				
Спорт зали (универсал)	288	288	288	288
Залда снаряд хонаси	16	16	16	16
Кийиниш хоналари, душ хоналари ва санузеллар (ўғил ва қиз болалар учун)	30 — 40	30 — 40	30 — 40	30 — 40
Тренер хонаси (санузел билан)	10	10	10	10
Тиббий гимнастика машғулотлари хонаси, тренажер зали	Лойиҳалаштиришга топшириқ бўйича			
Устахоналар хоналари блоки				
Металл ва ёғочга ишлов бериш бўйича комбинацияланган (ёки электр-монтаж, радио-техника) устахона	60	60	72	60
	(майдони ихтисослашувни ҳисобга олиб аниқланади)			
Устахоналардаги санузеллар	6	6	6	6
Уста хонаси асбоблар хонаси билан	15	15	15	15
Дастлабки материаллар ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналари	15	15	15	15
Кутубхона-ахборот маркази				
Ўқув зали, абонемент	40 — 50 (60)	50-60	70	30 — 40
Китоб омборхонаси	35 — 40 (60)	40-50	60	30
Дарсликларни сақлаш ва таъмирлаш хонаси	15	15	15	15
Мажлислар зали ва клуб-тўгарак хоналари				
Йиғилишлар зали	150	150	220	220
Эстрада	27	27	36	36
Эстрадада артистлар хонаси (президиум хонаси)	15	15	15	15
Техника маркази (радиоузел,	18	18	20	20

видеопроекция аппаратурасини сақлаш)				
Фойе — кўргазма зали	40	40	50	50
Клуб-тўгарак машғулотлари учун хоналар	40	40	50	50
Ошхона блоки				
	90 ўрин	90 ўрин	150 ўрин	150 ўрин
Овқатланиш зали (овқат тарқатиш хонаси билан)	120	140	240	200
Вестибюль қўл ювгичлар била	12	12	12	12
Вестибюлдаги санитария узеллари	6	6	6	6
Иссиқ цех	37 — 50	35 — 50	60	60
Идиш ювиш хоналари	15	15	18	18
Совуқ цех	12	12	12	12
Гўшт балиқ цехи	12	12	12	12
Сабзавот цехи	12	12	12	12
Юклаш хонаси тара хонаси билан	12	12	12	12
Совутиладиган камера	6 — 10	6 — 10	12	12
Қуруқ маҳсулотлар омборхонаси	8	8	8 — 10	8 — 10
Сабзавотлар омборхонаси	8	8	10	10
Ходимлар гардероб хонаси душ хона билан	12	12	12	12
Ходимлар санузели	4	4	4	4
Ишлаб чиқариш мудири хонаси	8	8	8	8
Тиббий-даволаш блоки				
Қабул хона, кўриш хонаси билан	12	12	12	12
Касалликлар ихтисослиги бўйича врач хонаси	18	18	18	14
Муолажа хонаси	15	15	15	15
Стоматолог хонаси	14	14	14	14
Физиотерапия хонаси, мутахассис врачлар хонаси	Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича			
Гипс ва протез хонаси	-	18	18	-
Массаж хонаси	-	14	14	-
Гидротерапия хонаси	-	25	25	-
Тиббий блокнинг санитария узеллари	6	6	6	6
Изолятор:	14	14	14	14

вестибюль, ҳамшира пости ва буфет зонаси билан				
Палаталар	18	18	27	18
Палаталардаги санитария узеллари	9	9	12	9
Ванна хонаси	14	14	14	14
Вестибюль, рекреациялар ва умумий мактаб учун мўлжалланган санитария узеллари				
Асосий кириш вестибюли	40 (50)	40	65 — 72	65— 72
Бино вестибюли ва қаватлардаги санитария узеллари	30	30	50	50
Рекреация жойлари	100	100	130	130
Маъмурий-хўжалик хоналар				
Ўқитувчилар — услубий хонаси	40	40	50	40
Директор хонаси	15	15	20	15
Қабулхона-девонхона	15	15	15	15
Директор ўринбосари хонаси	12	12	12	12
Ўқув бўлими мудири хонаси	12	12	12	12
Катта тарбиячи хонаси	12	12	12	12
Психолог (логопед) хонаси	12	12	12	12
Техник ходимлар хонаси	8	8	8	8
Омборхоналар, жиҳозлар учун хоналар	24	24	30	24
Ота-оналар билан учрашиш хонаси	15 — 20	15 — 20	15 — 20	15 — 20
Хўжалик ишлари бўйича ҳамшира хонаси (тоза кир сақлаш хонаси билан)	20	20	20	20
Протезлаш хонаси	-	Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича		-
Протезларни таъмирлаш ва кийиб-ўлчаш хонаси	-	20	25	-
Пойабзал таъмирлаш устахонаси	10	10	10	10
Инвентарь ва болаларни мавсумий кийимларини сақлаш омборхоналари	20 — 30	20 — 30	30	30
Мебель ва инвентарни таъмирлаш устахонаси	15 — 20	15 — 20	20	20

Кир ювиш хонаси чойшабларни саралаш ва сақлаш хоналари билан	25	25	25 — 30	25 — 30
Дазмолхона, тоза чойшабларни тузатиш ва сақлаш хонаси	16 — 20	16 — 20	20 — 25	20 — 25
Асосий киришда навбатчи хонаси (ёнғин пости)	10	10	10	10

** кўришда нуқсони бўлган болалар ва ҳаракатланиш функциялари бузилган, БЦФли болалар учун.*

Изоҳлар:

1. 2-графада қавс ичида кўришда нуқсони бўлган болалар учун хоналар майдони кўрсатилган.

2. Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.

3. Коммуникация, эвакуация хоналари, ёрдамчи ва техника хоналари лойиҳа билан ўрнатилади.